



“ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА САНЪАТ ВА МУСИҚА МАДАНИЯТИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)”

Xurshid Olimovich Egamqulov

tarix fani o'qituvchisi, mustaqil tadqiqotchi

Jizzax shahridagi 21-umumiy o'rta ta'lim maktabi

E-mail: jizzax_wushu@mail.ru тел: 91 208 81 81

O'z MU professori, tarix f.d. Ermetov A.A. taqrizi asosida

Annotatsiya.

Мақолада Жиззах воҳасида санъат ва мусиқа маданиятининг XIX аср охиридан XX асрнинг 80-йилларигача бўлган ривожланиш тарихи таҳлил қилинади. Совет ҳукмронлиги даврида санъат ва маданиятнинг мафкуравий назорат остида шаклланиши, миллий мусиқий меросни сақлаш ва ривожлантиришида маҳаллий ижодкорлар – Орифхон Ҳотамов, Эсон Лутфуллаев, Гани Холиқов, Пайзиқул Зокиров каби намояндаларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади. Мақола материаллари орқали Жиззах воҳасида мақом, мумтоз ва эстрада мусиқасининг ривожланиш босқичлари, совет мафкураси ва миллий анъаналарнинг уйғунлиги ҳамда ижодкорлар фаолиятининг профессионал санъатни шакллантиришидаги ҳиссаси қамраб олинади. Мазкур таҳлил Жиззах воҳаси санъати тарихини илмий асосда тадқиқ қилиш ва миллий маданият тараққиёти учун муҳим назарий ва амалий маълумотлар тақдим этади.

Калит сўзлар: мусиқа санъати, совет даври, миллий мерос, Орифхон Ҳотамов, Эсон Лутфуллаев, Гани Холиқов, Пайзиқул Зокиров, мақом, эстрада, мумтоз мусиқа.

Аннотация

В статье анализируется история развития искусства и музыкальной культуры Джизакской области с конца XIX века до 80-х годов XX века. В период советской власти формирование искусства и культуры находилось под идеологическим контролем, однако значительную роль в сохранении и развитии национального музыкального наследия сыграли местные мастера – Орифхон Хотамов, Эсон Лутфуллаев, Гани Холиков, Пайзикул Зокиров. Материалы исследования позволяют проследить этапы развития макама, классической и эстрадной музыки, а также взаимодействие советской идеологии и национальных традиций. Деятельность этих творцов способствовала формированию профессионального искусства в регионе и оставила значимое наследие для дальнейшего изучения национальной культуры.

Ключевые слова: музыкальное искусство, советский период, национальное наследие, Орифхон Хотамов, Эсон Лутфуллаев, Гани Холиков, Пайзикул Зокиров, макам, эстрада, классическая музыка.

Abstract



This article examines the development of art and musical culture in the Jizzakh region from the late 19th century to the 1980s. During the Soviet period, artistic and cultural activities were under ideological control, yet local masters such as Orifkhon Khotamov, Eson Lutfullaev, Ghani Kholikov, and Paizikul Zokirov played a significant role in preserving and advancing the national musical heritage. The study traces the stages of development of maqam, classical, and pop music, as well as the interaction between Soviet ideology and national traditions. The activities of these artists contributed to the formation of professional art in the region and left a lasting legacy that provides valuable insights for further research on national culture.

Keywords: *musical art, Soviet period, national heritage, Orifkhon Khotamov, Eson Lutfullaev, Ghani Kholikov, Paizikul Zokirov, maqam, pop music, classical music.*

Кириш. Таҳлил этилаётган йилларда Жиззах воҳасида санъатнинг профессионал даражада ривожланиши асосан совет ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Маълумки, Ўзбекистонда совет бошқаруви йилларида санъаткорлар, адабиёт вакиллари ҳамда бошқа зиёли қатлам вакиллари ўз ижод фаолияти орқали пролетариат мафкурасига хизмат қилишга йўналтирилган. Совет мафкурасига мувофиқ, асрлар давомида шаклланиб келган миллий маданий мерос ўз ўрнини социалистик мазмундаги янги маданиятга бўшатиб бериши лозим эди.

Шу нуқтаи назардан, совет даврида маданият ва санъат соҳаларида мафкуралаштириш жараёни кенг кўламда амалга оширилгани кузатилади. Санъат асарларида коммунистик ғоялар, социалистик меҳнат, “янги инсон” образи ва синфий кураш мотивлари устувор мавзу сифатида илгари сурилди. Миллий анъаналар, кадриятлар ва маънавий мерос кўп ҳолларда чекланган ёки қайта талқин қилинган.

Шу билан бирга, мавжуд мафкуравий тазйиқларга қарамасдан, республикада, хусусан Жиззах воҳасида ҳам санъатнинг турли йўналишлари маълум даражада ривожланди. Мусиқа, театр, эстрада, симфоник ҳамда халқ ижоди асосида шаклланган профессионал санъат турлари ривож топди. Айрим ижодкорлар совет талаблари доирасида иш олиб борган ҳолда ҳам миллий услуб, анъанавий оҳанг ва бадиий меросни сақлаб қолишга интилдилар. Натижада совет даври санъатида миллий ва социалистик унсурларнинг ўзаро уйғунлигига асосланган ўзига хос ижодий муҳит шаклланди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. (Literature review).

Жиззах воҳаси санъати ва миллий зиёлилар фаолияти, айниқса совет давридаги маданий-мафкуравий жараёнлар бир қатор тарихий, илмий ва публицистик манбаларда ёритилган. Ушбу адабиётлар мазмунига кўра мавзунини уч асосий йўналишда таҳлил қилиш мумкин: тарихий-мафкуравий жараёнлар, мусиқа санъати ривожини ҳамда ижодкор шахслар фаолияти.

Ўзбекистон ҳудудида 1917–1938 йилларда миллий зиёлилар ва большевиклар ўртасидаги мафкуравий кураш О.Рашидовнинг тадқиқотида кенг ёритилган. Унда





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



совет ҳокимиятининг миллий зиёлиларни назорат қилиш ва янги мафкуравий тизимни шакллантириш сиёсати таҳлил қилинган.

Шунингдек, “Ўзбекистон тарихи (1917–1991)” ва “Ўзбекистоннинг янги тарихи” асарларида совет мустамлакачилик даврида маданий сиёсатнинг марказлаштирилиши, санъатнинг давлат мафқурасига бўйсундирилиши каби жараёнлар кўрсатилган. Бу манбаларда миллий маданиятни социалистик маданиятга мослаштириш сиёсати устувор бўлгани таъкидланади.

Н.Расулова тадқиқотида эса Коммунистик партия кадрлар сиёсати орқали мафкуравий тарғибот тизими шакллантирилгани ва бу маданий соҳаларга ҳам кучли таъсир кўрсатгани асослаб берилган.

Жиззах воҳаси санъатига оид маълумотлар асосан газеталар, архив ҳужжатлари ва биографик тадқиқотларда учрайди. Масалан, Г.Сайдуллаева мақоласида маҳаллий мусиқа ижрочиси болалиқдан турли чолғу асбобларини ўрганиб, кейинчалик профессионал ижод йўлига киргани қайд этилади. Бу ҳолат Жиззахда мусиқий анъаналарнинг халқ орасида шаклланишини кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси (O‘zME) ва архив материалларида санъаткорларнинг театр, филармония ва ансамблларда фаолият юритгани, профессионал мусиқа тизими шаклланигани ҳақида маълумотлар келтирилган.

Орифхон Ҳотамов ижоди бўйича С.Бегматов монографияси асосий илмий манбалардан бири ҳисобланади. Унда ижодкорнинг Фарғона–Тошкент ва Хоразм мусиқа анъаналарини уйғунлаштириб, мустақил ижрочилик мактабини шакллантиргани таъкидланади.

Интернет манбаи (uz.wikipedia.org) ва монография маълумотларига кўра, Ҳотамов нафақат ижрочи, балки педагог сифатида ҳам миллий хонандалик мактабини ривожлантирган.

Ғани Холиқов ижоди эса А.Ҳ.Жабборовнинг маълумотномаси ва маҳаллий матбуотда таҳлил қилинган. Унинг симфоник, эстрада ва хор асарлари орқали Жиззахда замонавий мусиқа маданияти шаклланигани кўрсатилган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, Жиззах воҳасида санъат ва мусиқа маданиятининг ривожланиши масаласи билан боғлиқ масалалар, халқ орасида унинг оммаланиши билан боғлиқ масалалар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси. (Research Methodology).

Тадқиқот олиб бориш жараёнида илмий муаммога цивилизацион ёндашув асосида тарихий-қиёсий, муаммоли-хронологик, объективлик, тизимли таҳлил каби усуллар ёрдамида Жиззах воҳасида санъат ва мусиқа маданиятининг ривожланиши масаласи бирламчи ҳужжатлар таҳлиliga таянган ҳолда атрофлича тадқиқ этилди.

Таҳлил ва натижалар. (Analysis and results).

Тарихий жараёнлар таҳлили шундан далолат берадики, Жиззах воҳасида санъатнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган халқ санъати намояндalари ва маҳоратли ижрочилар авлоддан-авлодга мусиқий меросни етказишда муҳим рол ўйнаган. Таҳлил



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



этилатган йилларда воҳада санъатнинг ривожланиши (профессиноал даражада) асосан совет хукмронлиги даврига тўғри келиб, Ўзбекистонда совет бошқаруви даврида санъаткорлар ва бошқа зиёлилар ўзларининг ижодлари орқали пролетариат мафқурасига хизмат қилишлари белгиланди. Пролетариат мафқурасида асрлар давомида яратилган миллий мерос томомила ўз ўрнини социалистик маданиятга бўшатиб бериши кўзда тутилган эди[1].

XX асрнинг 20 йилларида ўзбек миллий кўшиқчилик санъати ҳам ўзига хос тарзда, миллийлик ва анъанавийлик ҳамда совет ҳукуматининг “маданий инқилоб” сиёсати тарзида намоён бўлди. Гарчи 1920 йил бошидан Туркистонда миллий мусиқа асбобларида чалишни ўргатадиган махсус мактаблар очилса-да, бироқ бу ерда ўқувчиларга, асосан, европаликлар томонидан европа мусиқа назарияси ўқитиларди[2]. Ҳақиқатлан совет даврида маданият ва санъатнинг мафқуралаштирилиши кузатилди. Лекин шундай бўлсада, республикада турли йўналишдаги санъат соҳалари ривожланди.

Ўзбек кўшиқчилик санъатининг 1950-60 йиллардаги ҳолати республика ҳукуматининг “Ўзбекистонда мусиқа санъатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш тўғрисида”ги 1951 йил 8 апрел қарори билан бевосита боғлиқ бўлди. Қарорда рус мумтоз ва совет мусиқасини устувор суръатда ривожлантириш масаласи кўйилди. Бу эса ўзбек кўшиқчилик санъатида унинг анъанавий миллий турларидан аста-секин воз кечиш, замонавий жанрларга урғу беришига олиб келди[3]. Натижада ҳар бир ўзбек қишлоғида хор жамоаларини ташкил қилиш учун махсус топшириқ берилиши “совет турмуш тарзин”ни улуғлаш, “ривожланган социализм” ғоясини ижтимоий заруратга айлантириш йўлидаги мажбурий ҳаракатдан бошқа нарса эмасди. Бу даврда яратилган асарлар сони жуда кўп бўлса-да, бироқ мазмунининг миллий руҳга мос келмаслиги, улар халқнинг эҳтиёжини қондира олмаслиги яққол сезилди[4].

Шундай шароитда ҳам мусиқа соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган инсонлар етишиб чиқди. Хусусан, ўзбек мусиқа ижрочилигида алоҳида ўринга эга бўлган Орифхон Ҳотамов моҳир созанда, хонанда ва бастакор сифатида танилган[5]. 1945 йилда Ўзбек давлат филармониясига ишга қабул қилинган О.Ҳотамов Хоразм мусиқа анъаналарини Фарғона – Тошкент мактаби билан уйғунлаштириб, ўз услубини шакллантиради. 1950 йили Тошкентдаги Ҳамза номидаги давлат мусиқа билим юртига ўқишга кириб, З.Қодировдан ғижжак ижрочилиги бўйича малакасини янада оширади[6].

Таълим олиш даврида ҳам ижрочилик фаолиятини давом эттирган О.Ҳотамов 1976 йилдан умрининг охиригача радио қошидаги мақомчилар ансамблида фаолият юритиб, ҳам ижрочи, ҳам маслаҳатчи сифатида иш олиб боради[7]. Орифхон Ҳотамов 1986 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига аъзо бўлган. 1990 йилдан Радио бадий кенгашининг аъзоси сифатида фаолият юритган[9]. Унинг ижоди ва мусиқа санъатига қўшган ҳиссаси юксак баҳоланиб, 1987 йили “Меҳнат фахрийси” ордени, 1989 йили



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвони, 1993 йили “Ўзбекистон халқ ҳофизи” унвони ва 1997 йили “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган[9].

Замонавий хонандалик амалиётида О. Ҳотамовнинг яратган асарлари ва унинг мактабига хос ижро услуби алоҳида ўрин тутди. Зотан, мумтоз мусиқа ижрочилигида унинг ижро йўналиши мустақил мактаб сифатида шаклланиб, ўзининг мустаҳкам ўрнини топган. Бу ҳақиқат унинг “Дармондон ортик”, “Айладинг қўйдинг”, “Қоши ёсинму дейин”, “Эй, сарви қомат”, “Оқара бошлади”, “Назар топ”, “Муддаолардан ҳали”, “Ватанимсан”, “Кам бўлармиди” ва “Эй, ўғил” каби ижод намуналарида яққол намоён бўлади.

Умуман олганда, Орифхон Ҳотамовнинг ижоди ва мусиқий мероси бугунги кунда ҳам ўзбек анъанавий мусиқа санъатида муҳим аҳамият касб этади ва янги авлод ижрочилари учун ўрнак бўлиб хизмат қилмоқда.

Санъат соҳасида катта ютуқларга эришган Эсон Лутфуллаевнинг[10] ижоди асосан мақом ва мумтоз ашулалардан иборат бўлиб, репертуарида “Наврўзи сабо”, “Феруз I–II”, “Мўғулчаи Наво”, “Чапандози Баёт”, “Чоргоҳ II”, “Бухоро Ироғи”, “Сувора” каби классик мусиқий асарлар, шунингдек, катта ашулалардан “Соғиндим”, “Оҳким” ва ўзи басталаган “Кўзига сурма қилди”, “Юраги тоза бўлсин”, “Зор этма”, “Дастингдан”, “Ноз уйқуси”, “Афсона деб” каби тароналар ўрин олган. Ўзбекистон телевидениеси Эсон Лутфуллаевга бағишлаб иккита видеофильм суратга олган (санъаткор 2000 йили вафот этган) [11].

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, таниқли бастакор Ғани Холиқов[12] ўз ижоди давомида симфоник асарлар, романслар, эстрада оркестри учун куйлар, рақс сюиталари, хор жамоалари учун қўшиқлар, ўнлаб машҳур тароналар ва спектаклларга мусиқалар яратган.

Ғ.Холиқов консерваторияда ўқиб юрган даврдаёқ “Жиззах – 1916 йил” номли симфоник поэмасини яратган ва бу асар 1974 йилда Ўзбекистон халқ артисти Қуддус Усмонов бошчилигидаги симфоник оркестр томонидан ижро этилган. Шунингдек, у “Сеҳри бордур”, “Ишқингда ёнаман”, “Гулчеҳра ёр”, “Мажнунтол”, “Марғилон”, “Сенинг совғанг”, “Сен учун”, “Тўнғич ғунча”, “Тонгда”, “Лолам” каби машҳур қўшиқларни яратиб, уларни Ботир Зокиров, Лола Зокирова, Раъно Шарипова, Эркин Қандов, Юлдуз Тўраева, Наргиза Нурмуҳаммедова, Равшан Қодиржоновалар ижро этган[13].

Бастакор Жиззахда эстрада жанрини ривожлантиришда катта ҳисса қўшган. У маҳаллий шоирлар билан ҳамкорликда қўшиқлар басталаш билан бирга, уларни оркестр учун профессионал тарзда мослаштирган. “Жиззах гулдастаси” ансамблида ижодий раҳбарлик қилган ва жамоанинг ижрочилик маҳоратини оширишга катта ҳисса қўшган[14].

Ғ.Холиқов 200 дан ортик қўшиқлар, оркестр ва ансамбллар учун мусиқий асарлар яратган. Унинг қайта ишлаган ва сайқал берган халқ қўшиқлари жумласига “Қари Наво”, “Дилхирож”, “Ёр-ёр”, “Соқийномаи Баёт”, “Учрашув” каби 20 дан ортик куйлар



киради[15]. Бошқа машхур кўшиқлари эса “Кўзлари чўғ”, “Нозлигим”, “Дил сўроғи”, “Келмадинг”, “Она юртим Жиззахим”, “Зилол оқин”, “Она элим”, “Кичкинтой кўшиғи” кабилардан иборат[16].

Бастакор томонидан яратилган кўшиқлар ўз даврининг етакчи ижрочилари томонидан талкин этилган. Жумладан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист К.Қаюмов ижросида “Ўзинг севгилимсан”, Г.Сулаймонова хонишида “Ўзбек аёли” ва “Бепарво ёр, бепарвоим”, О.Назарова ижросида “Муҳаббат”, О.Жабборова томонидан куйланган “Айт дунёим”, Х.Шеров ижросидаги “Қизгина” тароналари бастакорнинг энг машхур асарлари сифатида эътироф этилади. Шунингдек, у “Жиззах алёри” ва “Келди Наврўз” каби вокал-хореографик сюиталар, “Симфоник-ракс”, “Жиззах-1916” симфоник поэмаси, “Қайдасан, Наргиз”, “Илтижо”, “Она диёрим” пьесалари ҳамда Ботир Зокиров хотирасига бағишланган “Фантазия” асарини ҳам басталаган[17].

Унинг яратган мусиқий асарлари нафақат эстрада, балки симфоник, хор ва миллий мусиқа йўналишларини ҳам қамраб олгани унинг ижодий серқирралигини кўрсатади. Шунингдек, у фақат ижод билан чекланиб қолмай, педагогик йўналишда ҳам катта ишларни амалга оширган. Унинг “Эстрада ва жаз гармониясининг бошланғич ўқув услуби қўлланмаси” ва “Эстрада оркестри чолғу асбоблари” каби услубий қўлланмалари[18] эстрада мусиқасини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади[19].

Умуман олганда Ғ.Холиқов ўзбек эстрадаси ва симфоник мусиқасини ривожлантиришда катта ҳисса қўшган, сермахсул ижодкорлардан бири ҳисобланади. Унинг мусиқий мероси бугунги кунда ҳам профессионал ижрочилар ва санъат мухлислари томонидан севиб тингланмоқда.

Жиззах воҳасида чиққан яна бир машхур санъаткор Пайзикул Зокиров – ўзбек мусиқасининг машхур бастакори ва маҳоратли созандаси сифатида миллий мусиқа ривожига катта ҳисса қўшган ижодкорлардан биридир[20]. Бастакор ижодида кўшиқ жанри асосий ўринни эгаллайди. У томонидан яратилган “Ёшлигим”, “Ёр билмади”, “Онажоним”, “Жиззахим”, “Ойсулув”, “Раққосалар”, “Севиб қолдим қайси Лолани” каби 100 дан ортиқ кўшиқ, ашула ва яллалар ўзининг дилбанд оҳанглари билан халқ қалбидан чуқур жой олган[21].

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири ва XX асрнинг 80-йилларида Жиззах воҳасида адабиёт ва санъат соҳасида бир қатор йирик ижодкорлар етишиб чиққан. Жумладан, Ҳамид Олимжон, Сарвар Азимов, Шароф Рашидов, Эсон Лутфуллаев, Орифжон Хатамов каби адабиёт ва санъат намояндлари ўз ижоди билан соҳаларнинг (нафақат воҳа балки республика микёсида) ривожига сезиларли ҳисса қўшган. Ушбу даврда совет мафкурасининг ғоявий тазйиқига қарамасдан, Жиззах воҳаси ижодкорлари томонидан юксак бадийий ва ижодий қийматга эга асарлар яратилган. Бу асарлар нафақат ўз замонида, балки бугунги кунда ҳам миллий маданият ва адабиёт тараққиёти учун муҳим маънавий мерос сифатида баҳоланади. Шунингдек, воҳа адабиёти ва санъати тарихи, ижодкорлар фаолияти ва уларнинг бадийий қарашларини илмий асосда тадқиқ этиш орқали жадиждчилик, социалистик реализм ҳамда миллий



адабий анъаналарнинг ўзаро таъсири каби масалаларни чуқур таҳлил этиш имконияти яратилади.

Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).

Жиззах воҳасида санъатнинг ривожланиш тарихи, айниқса XIX аср охири ва XX асрнинг 80-йилларини қамраб олган давр таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур ҳудуд Ўзбекистон маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Совет ҳукмронлиги даврида санъат ва маданият соҳалари мафкуравий назорат остида шаклланган бўлса-да, Жиззах воҳасида етишиб чиққан ижодкорлар ўз фаолиятлари орқали миллий мусикий анъаналарни сақлаш, ривожлантириш ва янги профессионал йўналишлар билан бойитишга муваффақ бўлганлар.

Таҳлил қилинган манбалар ва ижодий мерослар шуни исботлайдики, Орифхон Ҳотамов, Эсон Лутфуллаев, Ғани Холиқов, Пайзикул Зокиров каби санъаткорлар нафақат маҳаллий, балки республика миқёсида ҳам ўзбек мусиқа санъатининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган. Улар ижодида мақом ва мумтоз мусиқа анъаналари, халқ кўшиқчилиги ҳамда замонавий эстрада ва симфоник мусиқа унсурлари ўзаро уйғунлашиб, ўзига хос ижодий мактабларнинг шаклланишига замин яратган.

Шунингдек, совет давридаги мафкуравий чекловларга қарамасдан, Жиззах воҳаси ижодкорлари миллий мусикий тафаккур, бадиий услуб ва ижро анъаналарини асраб қолишга интилгани алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ҳолат миллий маданиятнинг узлуксизлиги ва бардавомлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Умуман олганда, Жиззах воҳасида санъатнинг ривожланиш тарихи миллий маданият тараққиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу ижодий меросни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, санъаткорлар фаолиятини тизимли таҳлил қилиш орқали жадидчилик, социалистик реализм ва миллий бадиий анъаналар ўртасидаги ўзаро таъсир масалаларини очиқ бериш имконияти яратилади. Бу эса нафақат тарихий ҳақиқатни тиклаш, балки бугунги кунда миллий санъатни ривожлантиришда ҳам муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Рашидов О. Ўзбекистон ҳудудида миллий зиёлилар ва большевикларнинг мафкура майдонидаги кураши (1917 – 1938 йй.). Тар. фан. док. (DSc) дисс... автореферати. – Бухоро, 2022. – Б. 23.
2. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Рахимов М, Ражабов Қ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 361.
3. Rasulova N. O‘zbekiston kommunistik partiyasi kadrlar tayyorlash siyosatining sovet mafkurasi targ‘ibotiga yo‘naltirilishi. Toshkent, 2024. – B. 143.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. - Тошкент: Шарқ, 2000. - Б.583.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



5. Сайдуллаева Г. Мактаб яратган ҳофиз. Жиззах овози газетаси, 2022 йил 7 декабрь, №48 (9138). У 1927 йили Жиззах шаҳрида таваллуд топган. У мактабда ўқиб юрган даврида най, ғижжак, танбур ва дутор чалишни пухта ўзлаштирган. 1944 йилда Янгийўлдаги мусикали драма театрига ишга таклиф этилиб, айнан шу даргоҳда у ғижжак ижрочилиги ва бастакорлик фаолиятини бошлайди
6. Бегматов С. Орифхон Ҳотамов. Монография. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000. – Б. 9.
7. 1989-1999 йилларда Тошкент театр ва рассомчилик институти ҳамда Ўзбекистон давлат консерваториясида педагогик фаолият билан шуғулланиб, анъанавий хонандалик бўйича сабоқ беради.
8. Бегматов С. Орифхон Ҳотамов. Монография. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000. – Б. 7.
9. https://uz.wikipedia.org/wiki/Orifxon_Hotamov
10. 1935 йил Фориш туманида туғилган. 1997 йилда у Ўзбекистон халқ ҳофизи унвони билан тақдирланган. Санъаткор ўз фаолияти давомида Самарқанд драма театри, Ўзбек давлат филармонияси ва “Мақом” ансамблида меҳнат қилган.
11. О‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil
12. 1946 йил 8 апрелда Жиззах шаҳрида таваллуд топган. У ўз ижодий фаолиятини жуда эрта бошлаб, эстрада жанридаги асарлари билан машҳур бўлган.
13. Умарбеков Ў. Қўшиқлардан яралган умр. Жиззах ҳақиқати газетаси, 1997 йил 21 июнь, №50 (3647).
14. Жиззах вилоят Шароф Рашидов туман давлат архиви, 301-фонд, 1-рўйхат, 39-йиғма жилд, 3-варақ.; Ўша жойда, 1-рўйхат, 38-йиғма жилд, 97-варақ.
15. Умарбеков Ў. Қўшиқлардан яралган умр. Жиззах ҳақиқати газетаси, 1997 йил 21 июнь, №50 (3647).
16. Жабборов А.Ҳ. Ўзбекистон бастакорлари ва мусикашунослари. Маълумотнома. Тўлдирилган 2-нашр. – Тошкент, 2015. – Б. 321.
17. Тоштемиров И. Ғанижон Холиқов ижодига бир назар. Жиззах ҳақиқати газетаси, 1996 йил 30 ноябрь.
18. Раҳмонкулов А. “Бастакор бахти”. Жиззах ҳақиқати газетаси, 1996 йил 30 ноябрь.
19. Унинг меҳнатлари юксак эътироф этилиб, 2000 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”, 2001 йилда эса “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвонлари билан тақдирланган.
20. У 1946 йили Жиззах туманида таваллуд топган. У 1966 йилда Самарқанд санъат билим юртида мусиқий таълим олган ва кейинчалик Жиззах давлат педагогика институтида ўқишини давом эттирган.
21. Жабборов А.Ҳ. Ўзбекистон бастакорлари ва мусикашунослари. Маълумотнома. Тўлдирилган 2-нашр. – Тошкент, 2015. – Б. 122.